

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 29 ноябрь • № 48 (9635)

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинган кун

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Конституциямизнинг жамият ҳаётида, аввало, ҳар бир фуқаро тафаккурида, турмуш шароитида, мамлакат келажагига бўлган ишонч ва янгича қарашларнинг шаклланишида, юртимизда умуминсоний қадриятлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини таъминлашда қанчалик муҳим ўрин тутаётганини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Дарҳақиқат, Конституция қабул қилиниши арафасида Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Табиийки, ҳар

қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода, Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир».



40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.



41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.



42-модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш республика маркази «ЯНГИ ИНТЕЛЛЕКТ – 2013» танловининг ғолиби деб топилди.



ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК

врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика маркази мутахассисларининг бош мақсадига айланган

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Янги интеллект – 2013» кўрик-танлови бу йил ҳам ўзига хос уюшқоқлик ва фаоллик руҳида ташкил этилди. Танлов олимлар ва илмий-техникавий ижодиётни рағбатлантириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, янги техника, технология ва рақобатбардош маҳсулотларни яратишга кўмаклашиш, илғор технологияларни татбиқ этиш, ихтирочилик фаолиятини фаоллаштириш, қўллаб-қувватлаш, энг яхши интеллектуал мулк объектларини аниқлаш ва ҳуқуқ эгаларини муқофотлаш мақсадида ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, дастурий маҳсулотлар йўналишлари бўйича ўтказилди.

Кўрик-танлов жорий йилнинг 27 майдан 25 октябрга қадар уч босқичда ўтказилиб, унда 141 та таклиф, жумладан, 38 та ихтиро, 27 та фойдали модель, 37 та дастурий маҳсулотлар ва 39 та саноат намуналари тақдим этилди. Шундан қайди этиш жоида, 2013 йилда иштирок этган интеллектуал мулк объектлари ўтган йилгига нисбатан 4,7 баробарга кўпайди. Танлов комиссиясининг қарори ва он-лайн овоз бериш натижаларига кўра, «Энг яхши дастурий маҳсулот» номинацияси бўйича Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика маркази мутахассислари томонидан яратилган «Тиббиёт ходимларини тест синовидан ўтказиш мультимедиа дастури» совринли ўринни эгаллади.

Ушбу қувончли воқеадан сўнг мазкур марказга ташриф буюриб, у ерда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда узлуксиз таълим жараёнларига юсак эътибор қаратилаётганлигига, бунинг баробарида эса тиббиёт ва фармацевт ходимларга малака тоифасини бериш бўйича аттестация тизимини такомиллаштириш, уларнинг билим савияси ҳамда амалий кўникмаларини аниқлашда компьютер-тест, оғзаки имтиҳонлар ўтказиш тартиби қандай бўлаётганини билиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ҳамда аттестациядан ўтказиш Республика маркази фаолияти билан танишдик.**

(Давоми 4-бетда).

УШБУ СОНДА:

ТЕРАПИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

мутахассисларнинг доимий эътиборида бўлди

2

Ўзбекистон терапевтларининг VI съездида мамлакатимизда амалга оширилаётган мазкур соҳадаги фаолиятлар хорижлик мутахассислар томонидан юқори баҳоланди ва ўзаро фикр алмашилди.

Қарор ва ижро

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

3

3 декабрь – Халқаро
ногиронлар кuni

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ОРЗУЛАР

6

Олтин олма, дуо ол, деганларидек, меҳрибон буви-си ва ота-она дуосини олиб, эл-юрт меҳридан баҳраманд бўлиб шогирдлар етиштираётган ёш қалбда ҳали орзулар лиммо-лим...

Съезд

Жорий йилнинг 26-27 ноябрь кунлари пойтахтимизда юртимиз терапевтларининг VI съезди бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон терапевтлар ассоциацияси ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур съездда юртимиз олимлари ва шифокорлар билан бир қаторда МДХ давлатларидан келган мутахассислар ҳам иштирок этишди. Те-

рапевтик касалликларнинг долзарб муаммоларига бағишланган анжуманни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худаяров Президентимиз раҳнамолигида тиббий-ижтимоий соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасида тобора такомиллашаётган узвий тиббий-профилактика ва даволаш хизмати аҳолининг барча қатламларини кенг қамраб олаётганини алоҳида таъкидлади.



ТЕРАПИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон терапевтларининг VI съездида ушбу масала бош мавзуга айланди



– Ўзбекистонда терапияни ривожлантиришнинг бугунги ютуқлари мени ғоят қувонтиради, – дейди украиналик профессор Г. Фадеенко. – Шифокорларингиз янги технологиялардан амалда тез ва муваффақиятли фойдаланмоқда. Ўзбек олимларининг илм-фан соҳасида эришаётган ютуқлари терапиянинг кўплаб долзарб масалаларига ечим топишга хизмат қиляпти. Бу эса азал-азалдан илм-фан бешиги бўлган ўзбек заминидан эзгу анъаналар бугун муносиб давом этаётганидан далолатдир.

Съезд ишида касалликни эрта ташхислашни мукаммаллаштириш, самарали даволаш, даволашда функционал-қайта тиклаш ва реабилитацияда янги технологияларни татбиқ этиш замонавий терапиянинг муҳим муаммоларидан бири эканлиги таъкидланди. Кўп йиллик статистик маълумотларнинг кўрсатишича, ички аъзолар касалликлари кейинги йилларда тенг баробарга ортмоқда (Ўзбекистон бўйича ўтказилган изланишларда 25 фоиздан ортиқ нафас аъзолари касаллиги бўлган бемор умумий амалиёт шифокори маслаҳати га келади). Қайд этилганлар муаммонинг янги жиҳатларини кўрсатади, яъни беморни нафақат даволаш, балки меҳнатга лаёқатини тиклаш ҳам муҳимдир. Замонавий ташхислашнинг асосий вазифаларидан бири беморнинг клиник симптомлари, анамнези орқали ташхислашдан ташқари, замонавий технологияларни қўллаш ҳисобланади. Далилларга асосланган тиббиёт концеп-

циялари, замонавий амалиёт шифокорини объектив ташхислаш критерийлари билан таъминлашда оптимал ва самарали йўналишларни қўллашни тақозо этади. Мазкур жараёнлар бугунги кунга келиб Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида янада ривожланмоқда.

Съездда таъкидланганидек, ҳозирги вақтда Ўзбекистон терапевтлар ассоциациясининг Самарқанд, Бухоро ва Андижонда бўлимлари ташкил этилди. Марказда юрак етишмовчилиги нейрогуморал механизмлари ва эрта босқичларда даволаш усуллари ўрганилмоқда, юрак ишемик касалликларида атеросклеротик ва нейрогуморал фаолланишга боғлиқ бўлган ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Гастроэзофагал рефлюкс ва жигарнинг алкоғолли ёғланиш касалликларини ташхислаш усуллари ишлаб чиқилди. Юрак етишмовчилигининг алдостерон, норадреналин, натрийуретик пептид миқдорларини иммунофер-

мент анализатор ёрдамида аниқлаш усуллари, ультратовуш денситометр ёрдамида остеопорозни эрта ташхислаш усуллари ишлаб чиқилди.

Мутахассислар ҳам ўз фикрларида муносиб эътироф этдилар. Албатта, съездда муҳокама қилинган масалалар ва уларнинг ижобий ечимини излаш янгиликлар сари интилишга, соҳани янада ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Икки кун давом этган анжуманда ички касалликларни даволашга оид янги ёндашувлар, бу борада қўллашга амалиётлар, болалар терапияси ютуқлари ва муаммоларига оид маърузалар тингланди. Шунингдек, съездда соҳада эришилаётган ютуқлар, жорий этилаётган лойиҳалар кенг муҳокама қилинди. Ҳамкасбарим билан ўзаро фикр алмашдик. Бирламчи тиббиёт муассасаларидаги шарт-шароит эса эътиборга молик. Аҳоли учун юртингизда кенг имкониятлар эшиги очилган. Ўйлайманки, ҳамкорликдаги фаолиятларимиз узоқ давом этади.

Намоз ТОЛИПОВ.

Тадбир

ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ҳар йили бутун дунёда 20 ноябрь – Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу сана муносабати билан юртимизда ҳам кўпгина тадбирлар, амалий учрашувлар ва семинар-

лар ўтказиб келинади. Пойтахтимиздаги “Пойтахт-бизнес” марказида имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга бағишланган тадбир ҳам шу мавзуда бўлиб ўтди.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашув маркази билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбир имконияти чекланган болаларни моддий-маънавий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

заиф болалар реабилитацияси тизими бўйича ўз тажрибасига эгадир. Бу тизим ногирон боланинг соғломлаштирилишига ёрдам беради, унинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлайди, – дея таъкидлади Республика болалар ижтимоий мослашув маркази директори **Васила Олимова**. – Шу би-

лан бирга ногирон болаларнинг эркин имкониятларга эга бўлишларини таъминлаш учун таълим, тиббий, маданий-маърифий муассасалар ва хизматларни мослаштириш, такомиллаштириш зарур.

Тадбир иштирокчилари ногирон болалар томонидан яратилган турли қўл махсулотлари



кўрғазмасини кўздан кечирдилар. Иштирокчилар имконияти чекланган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини

юксалтириш, шунингдек, билим олишлари учун зарур шароитларни яратиш муҳимлигини таъкидладилар.

Диёра БОЗОРОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Қарор ва ижро

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ

ҳар бир меҳнат жамоасида барқарор муҳитни таъминлайди

Тартиб-интизом қатъий йўлга қўйилган жойда ходимларнинг ўз ишига бўлган масъулияти ошади, хизмат намунаси ташкил этилади ёки сифатли маҳсулот яратилади. Зеро, ижро интизомини яхшилаш натижасида барча меҳнат жамоалари катта муваффақиятларга эришиши аниқ. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида пойтахтимиздаги туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, ихтисослашган диспансер бош шифокорлари, оилавий поликлиника мутасаддилари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январда эълон қилинган “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган семинар ўтказилди.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров кириш сўзи билан очиб, барча раҳбар ходимларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, расмий иш ҳужжатларини юритишга қўйилган талабларни бажариш, ўз меҳнат жамоаларида соғлом ва барқарор муҳитни шакллантириш юзасидан маъруза қилди.

Муайян ҳудуд фаолиятини айнан шу йўналишда фаолият кўрсатаётган мутахассиснинг кўздан кечириши ва синчиклаб ўрганиб чиқишида ҳолис натижа намоён бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори асосида даволаш-про-

филактика муассасаларида ижро интизомининг тўғри йўлга қўйилиши, ҳужжатлар билан ишлашда масъулиятни кучайтириш, йиғилиш баённомаларини расмийлаштириш, раҳбар ходимларнинг юқори ташкилотлардан келган қарор, буйруқ ва фармойишларни ўз жамоасида жорий этилишини таъминлаш, назорат варақаларининг юритилиши каби масалаларни чуқур ўрганиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳ таркибига кирган мутахассислар ўзларига бириктирилган даволаш-профилактика муассасаларини синчковлик билан ўрганиб, йўл қўйилган камчилик-нуқсонларни жойида бартараф этиш бўйича

ўз тавсия ва маслаҳатларини бердилар.

Жумладан, семинарда сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекциясининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи Бобохон Шукуров Тошкент шаҳридаги туман тиббиёт бирлашмалари, даволаш-профилактика муассасалари ҳамда оилавий поликлиникаларда кун тартибига қўйилаётган долзарб вазифа таҳлили юзасидан ўз кузатишларини слайдлар ёрдамида намоиш этди.

Албатта, ижро интизомини қатъий тартибда олиб бориш, ҳужжатларни тўғри юритиш, фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини қайд этиш, ишонч телефонлари орқали қабул қилинаётган ариза ва шикоятларни имкон қадар тезлик билан ҳал қилишда унча-мунча камчилик-нуқсонлар кузатилади. Бунинг учун раҳбар ходимга ҳам, иш юритувчи ва бошқа мутахассисларга ҳам маслаҳат ва тавсия зарур. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Рихси Салиходжаева иш юритиш ва назорат ишларини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри юритиш бўйича йиғилганларга ўз кўрсатмаларини берди. Хусусан, юқори ташки-

лотлардан келган ҳужжатлар устидан изчил назорат ўрнатилиши керак. Шунга қарамай, белгиланган муддатда юқори ташкилотларга юбориладиган ҳисобот ҳужжатларида ноаниқлик, чалкашлик кузатилмайди.

Семинар иштирокчиларидан бири – Юнусобод туманидаги 53-оилавий поликлиника бош шифокори Гулмира Қосимова ўз таассуротларини шундай изоҳлайди:

– Семинар кун тартибига қўйилаётган масала давлат ва жамият аҳамиятига эгадир. Айрим туман тиббиёт бирлашмалари ва даволаш муассасаларида ижро интизоми бўйича йўл қўйилган камчилик ва хатолар барчамизга сабоқ бўлиши керак. Поликлиникамизда 20 нафар шифокор ва 38 нафар ҳамшира меҳнат қилади. Бутун жамоани бир мақсад йўлида жипслаштириш учун биринчи навбатда юқори ташкилотлардан келган буйруқ ва қарорларни тўғри расмийлаштириб бориш, ижрочилар зиммасидаги масъулиятни кучайтиришимиз керак. Ҳужжатлар мониторинги бўйича туман тиббиёт бирлашмаларига ҳисоботлар топширилади.

Ўз мухбиримиз.

САЛОМАТЛИК —
ОБОД ТУРМУШ
ГАРОВИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида “Саломатлик кунлари” тадбири ўтказилмоқда.

Тадбир доирасида Тошкент шаҳридан ташриф буюрган малакали шифокорлар тиббий муолажага эҳтиёжманд ҳамда кам таъминланган фуқароларни кўриқдан ўтказиб, саломатлигини тиклаши учун амалий ёрдам кўрсатмоқда.

– “Обод турмуш йили” Давлат дастурига мувофиқ ташкил этилаётган “Саломатлик кунлари”нинг дастлабки икки босқичида малакали шифокорлар қишлоқ врачлик пунктлари ва туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаларида аҳолини бепул тиббий кўриқдан ўтказиб, зарур тавсиялар берган эди, – дейди Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Нурали Хидоев. – Навбатдаги тадбирда фуқароларимиз пойтахтдан келган малакали офтальмолог, кардиолог, хирург, невропатолог ва болалар шифокорларининг тиббий кўригидан ўтказилиб, аниқланган касалликларни даволаш чоралари кўрилаётир. Зарур ҳолларда жарроҳлик амалиёти ўтказилмоқда.

ЎЗА.

Ўқув-семинар

ТЕЗ ЁРДАМ ХИЗМАТИ ВА
ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ташкилий кўмагида умумий амалиёт шифокорлари учун “Жароҳатларда тез тиббий ёрдам” мавзусида уч кунлик ўқув курси ўтказилди.

Республикамизнинг қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларида фаолият юритаётган умумий амалиёт врачлари учун шошилинч тиббий ёрдам бўйича тренинг машғулотларини ўтказиш ва унинг ҳамкорлик доирасини кенгайтириш доимий вазифага айланмоқда. Ўқув курси халқаро тренерлар томонидан олиб борилди. Амалий машғулотлар махсус стандартлар

бўйича амалга оширилди. Назарий билимлардан сўнг амалий жараёнларда олинган билимлар синовдан ўтказилди. Жумладан, кенг жароҳатланишлар сабабли касалланиш ва ўлим ҳолатларини камайтириш мақсадида беморларга қўлланиладиган стандарт ташхис қўйиш услублари ва терапевтик таомиллар юзасидан ҳам маҳорат дарслари ташкил этилди. Мазкур машғулотларнинг асосий мақсади – бемор

аҳолини дарҳол ва бехато баҳолаш, шошилинч ёрдам кўрсатишда устувор ҳаракатларни аниқлаш ва тўғри қарорларни қабул қилиш, кўп сонли жабрланганлар келиб тушганда уларни тўғри тақсимлашда тез тиббий ёрдам шифокорларининг назарий ва амалий билимларини ошириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ўқув курсининг иккинчи ва учинчи кунлари стандарт ташхис қўйиш услублари ва касалланишни пасайтириш мақсадида мижозларга нисбатан қўлланиладиган терапевтик тамойилларга бағишланди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази-



нинг замонавий юқори технологик ускуналари ёрдамида ташхис қўйиш ва тез ёрдам кўрсатиш бўйича амалий кўникмалар ҳам профессионал маҳоратни оширишга хизмат қилади. Ўқув курси давомида мутахассислар олган маълумотлар фавқуллодда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш тамойилларини аниқлашга, уларни тартибга солиш ва амалиётда муваффақиятли қўллашга замин яратди.

Анвар
САМАТХОДЖАЕВ.
Муаллиф олган
суратлар.

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК


врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика маркази мутахассисларининг бош мақсадига айланган

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ тиббиёт тизимида олиб борилаётган улкан ўзгаришлар, инсонлар саломатлиги йўлида татбиқ этилаётган замонавий тиббий технологиялар ва уларнинг аҳамияти бугун нечоғлиқ юксак эканлиги барчага маълум. Айниқса, юқори малака ва тажрибага эга кадрларни тайёрлаш, ўқитиш, касбий салоҳиятини ошириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика марказига катта масъулият юклайди.

Марказнинг ташкил этилишидан асосий мақсад, тизимда фаолият олиб бораётган тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг иш самарадорлиги, сифати ва масъулиятини кучайтириш, касб маҳоратини шакллантириш, моддий манфаатдорлигини яхшилаш ҳамда республика аҳолисига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини оширишдан иборатдир. Таъкидлаш жоизки, 2006 йилга қадар аттестация 82 та мутахассислик бўйича ўтказилган бўлса, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тиббиёт (врачлик) ва фармацевтика ходимларининг мутахассислик ҳамда лавозимлар номенклатурасини тасдиқлаш

белгиси» кўрсатилган Тошкент босма фабрикасида махсус тайёрланган ва ҳимоя воситаларига эга гувоҳнома бланкаларида расмийлаштирилиб берилмоқда. Аттестациядан ўтувчилар учун қулай ва етарли шароитлар яратиш мақсадида Марказ биноси тўлиқ мукамал таъмирланди ва реконструкция қилинди, хоналар компьютерлаштирилди, алоҳида компьютер зали ташкил этилди, барча компьютерлар умумий ягона тизимга бирлаштирилди, зарурий техника воситалари билан жиҳозланди. Аттестация ўтказиш жараёни билан боғлиқ бўлган босқичларни ўз ичига олган компьютер дастурлари ҳамда маълумотлар базаси ишлаб чиқилди. Марказнинг компьютер зали, коридори ва хоналарига видеокуза-

йиҳаси бюроси билан биргаликда «Умумий амалиёт врачлари» мутахассислиги бўйича 10 ойлик ўқув курсини тамомлаган врач-



ган дастурларга Ўзбекистон Республикаси Патент идораси томонидан 12 та гувоҳнома (патент) олинди. Дастурнинг барча имкониятлари Марказ учун WEB-саҳифа очиш, уни янги маълумотлар билан узлуксиз бойитиб бориш ҳамда оммани Марказ фаолияти ва аттестация жараёни билан боғлиқ бўлган барча янгиликлар билан таништириб боришга қаратилган.



«Тиббиёт ходимларини тест синовидан ўтказиш мультимедиали дастури»нинг афзалликлари

1. Саволлар базаси шундай яратилганки, тест саволлари тасвир ва овозларни, яъни мультимедиа ахборотларни ўз ичига олган.

2. Дастурнинг универсаллиги, яъни тегишли саволлар базаси яратилса, дастурдан касб-хунар коллежлари, академик лицей ва олий ўқув юртлари талабалари ҳамда малака ошириш институтлари тингловчилари кенг фойдаланса бўлади.

3. Дастур ахборот-коммуникация техно-

логияларининг дунёда ривожланиш тенденциясини ҳисобга олган бўлиб, замонавий web-технология асосида яратилган ва масофадан компьютер-тест синовини ўтказиш имкониятига ҳам эгадир.

Ҳозирги кунда кўрсатилаётган интерактив хизматларни кенгайтириш мақсадида ахборот-коммуникация воситаларини «Uzmedinfo» электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш марказига улаиш ишлари олиб борилмоқда.

тўғрисида»ги 160-сонли буйруғи билан 132 та мутахассислик бўйича малака тоифасини бериш учун аттестация ўтказиш белгилаб қўйилди. Низомга кўра, ҳар йили аттестация комиссияси таркиби янги-янгиланиб борилади ва унинг таркиби қайта тузилади. Аттестациядан ўтган ва малака тоифаси берилган тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун ягона республика реестри ташкил қилинди. Аттестация йиғилиши баённомаларини расмийлаштириш, малака тоифаси тўғрисидаги буйруқ ҳамда унинг берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг расмийлаштирилиши, шунингдек, ягона республика реестрига киритиш муддатлари қатъий белгиланди. Авваллари тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифаси берилганлигини тасдиқловчи гувоҳномалар оддий қоғозда берилган бўлса, 2008 йилдан бошлаб «Давлат

тув камералари ўрнатилди. Шунингдек, Марказ коридорида ўрнатилган монитор орқали компьютер-тест синовларини ўтказиш жараёнини хоҳлаган одам кузатиб бориши учун қулай шароит яратилди. Видеокузатув тизими томонидан аттестация билан боғлиқ барча жараёнлар ёзиб борилади. Ушбу видеома териаллар белгиланган муддатгача сақланади. Айтиш лозимки, аслида аттестация жараёнида компьютер-тест синовларини амалга татбиқ қилиш борасидаги тайёргарлик ишлари бундан анча йил муқаддам бошланган эди. 2005 йилдан бошлаб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг топшириғига кўра, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, илмий-текшириш институти ва республика ихтисослаштирилган илмий ва илмий-амалий марказларига клиник ординатурага кириш учун ҳужжатлар топширган мутахассислар компьютер-тест синовларидан ўтказилмоқда. 2006 йилдан бошлаб «Саломатлик» ло-

лар учун ҳам тест имтиҳонлари ўтказилмоқда. Мазкур тест синовлари жараёнида ишлаб чиқилган дастурлар апробация қилинди. Бу жараёнда бирор-бир узилишлар, техник носозликлар кузатилмади. Тест дастурини яратишда қатор ривожланган давлатларнинг, жумладан, Жанубий Корея, Малайзия, Ҳиндистон, Сингапур ва Россияда олиб борилаётган илмий ишлар чуқур таҳлил қилинди ва улар тажрибасидан кенг фойдаланилди. Бугунги кунда малака тоифасини бериш мақсадида ўтказилаётган компьютер-тест синовлари учун тузилган тест топшириқлари оддий, ўртача мураккабликдаги ва мураккаб тестлардан ташкил топган. Мураккаб тест топшириқлари ичида тўғри кетма-кетликни (последовательность) ва мувофиқликни (соответствие) аниқлашга доир ҳамда вазиятли (ситуацион) масалалар кўринишидаги тестлар ҳам алоҳида ўрин олган.

Марказдаги ходимлар□□□□

ги вақтда дунёнинг барча мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам инсон фаолиятининг барча соҳаларида ахборот-коммуникацион технологиялар амалиётда кенг қўлланилмоқда. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3080-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилган эди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика маркази ҳам ушбу соҳа бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, «Саломатлик» лойиҳаси ёрдамида компьютер зали ташкил этилиб, 44 та замонавий компьютер билан жиҳозланди. Марказ таркибида «Ахборот технологиялари ва тестдан ўтказиш» бўлими очилиб, етук мутахассислар билан таъминланди. Республикада малака тоифасини олган врач ва фармацевтлар маълумотлар базасининг дастлабки варианты яратилди. Аттестация билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар чуқур таҳлил этилиб, дастурдаги мавжуд имкониятларни сақлаб қолган ҳолда оптималлаштирилди. Махсус компьютер дастурлари ишлаб чиқилди. Яратил-

Йиллар давомида олиб борилган самарали меҳнатларимиз туфайли жорий йилда «Тиббиёт ходимларини тест синовидан ўтказиш мультимедиали дастури» «Энг яхши дастурий маҳсулот» номинацияси бўйича совринли ўринга эга бўлди. Бу ютуқ, албатта, жамоадагиларнинг ҳам беқийс меҳнатлари самарасидир, дейиш мумкин. Ўйлаймизки, келажакда аттестация тизимини янада мукамаллаштириш ва тизимли автоматлаштириш борасида муайян натижалар қўлга киритилади.

Намоз ТОЛИПОВ.
Муаллиф олган суратлар.

Тиббиёт тарихига бир назар

«ТИБ ҚОНУНЛАРИ» КИТОБИГА 1000 ЙИЛ

Абу Али ибн Синонинг **“Китоб ал-қонун фит-тибб”, “Тиб қонунлари”** китобининг яратилганига роппа-роса минг йил тўлди. ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг эътирофи этишича, бу ноёб манба жаҳонда инсон танасининг соғлом ва носоғлом пайтидаги ҳолатларига нисбатан илмий ёндошувда фойдаланилган биринчи китоб ҳисобланади.



Асрлар давомида олимлар ҳамжамияти “Тиб қонунлари” китобидан ниҳоятда муҳим сабоқ олиб келдилар. У амалий тажриба учун мукаммал йўналиш беради. Китоб индуктив ва илмий-услубий жиҳатдан фан ривожланишига сезиларли ҳисса қўшди. Тиббиёт тарихида асосий ўринга эга бўлган Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китобининг минг йиллик санаси ЮНЕСКОнинг 2013 йилдаги тантаналар рўйхатига киртилди.

Барчамизга маълумки, мазкур китоб Ибн Синонинг шоҳ асари бўлиб, шу китоб туфайли у бутун жаҳонга машҳур бўлди. Шунингдек, бу қимматбаҳо рисола 500 йил мобайнида Европа врачларига дастуриламал бўлган.

Абу Али ибн Сино ўзининг бу асарини “Қонун” деб бежиз айтмаган. У ҳақиқатдан ҳам ўрта аср дорилфунунларида талабалар ва ўқитувчилар учун бир неча асрлар давомида асосий қонунга айланган эди. Китоб ҳатто юридик жиҳатдан ҳам қонунлаштирилган эди. Масалан, Краковдаги Ягелло дорилфунуни дастурида бундай деб ёзилган эди: “Тиббиёт билимини ўрганаётган ҳар бир талаба “Тиб қонунлари”нинг биринчи китобини ва учинчи китобнинг биринчи қисмини билиши шарт”. Бу асар 5 китобдан иборат бўлиб, унинг ҳар бири тиб илмининг айрим соҳаларига бағишланган.

Биринчи китоб – тиб илмининг назарий масалаларини ўз ичига олади. Бу китоб 4 қисм, 14 бўлим, 11 боб ва 256 фаслдан иборат. Унинг биринчи қисми тиб илмининг ўзи нима ва у нима билан шуғулланади, деган саволга жавоб бериш билан бошланади. Ундан кейин эса Ибн Сино киши организмнинг хусусиятлари ва функциялари, одам анатомияси ва физиологиясини баён этади. Хусусан, биринчи қисмда суюқ, мушак, бўғим, пай, асаб ва томирлар ҳақида сўз юритилади.

Биринчи китобнинг иккинчи қисми – касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг аломатларига бағишланган. Бу қисмда патологик анатомиядан, яъни касаллик чоғида аъзоларда пайдо бўладиган ўзгаришлар ҳақида маълумот берилган. Ибн Сино бу ерда касаллик сабаби абстракт фикрлаш йўли билан эмас, балки соғлиқ ва касалликка доир фактларни ўрганиш йўли билан аниқланади, деб жуда тўғри фикр айтган. У микробиология фани шаклланишидан бир неча аср муқаддам юқумли касаллик пайдо бўлишида ифлос қўл ва сув ҳамда бошқа омилларнинг ролини кўрсатиб берган. Шунга асосан, у касалликка чалинмаслик учун қўлни тоза сақлаш ва сувни қайнатиб ичиш зарурлигини таъкидлайди.

Касалликларни аниқлаш масаласига тўхталиб, бемор томирини текшириш усулининг муҳимлигини кўрсатади. Ибн Сино томир уриши (пульс)нинг турлари ва хилларини, уларнинг қандай ҳолатларда ўзгаришини айтиб ўтади.

Учинчи қисмда соғлиқни таъминловчи омиллар ҳақида маълумот беради. Бу масалада Ибн Сино гигиеник тадбирларга риоя қилиш кераклигини алоҳида кўрсатган. Ниҳоят, учинчи қисмда организмни чиқиштириш масалалари баён этилган.

Тўртинчи қисм – умумий даво принципларига бағишланган. Бу ерда олим беморларни даволашда дастлаб амалга ошириладиган умумий қоидаларга тўхталади. Хусусан, бу қисмда ички аъзоларни тозалаш йўллари баён этиб, даволашнинг асосий уч

қоидасини кўрсатган. Булар парҳез ва овқат режими, дори билан даволаш ва жарроҳлик усули. Ибн Синонинг айтишича, овқат моддалари озуқалик хусусиятидан ташқари даволаш кучига ҳам эга. Озиқ моддалар ҳақида сўзлаб, уларни аввало юқори ҳамда кучсиз даражага эга бўлган овқатларга бўлади. Масалан, Ибн Сино сабзаёт ва ҳўл меваларни кучсиз озиқ моддаларга, тухум, гўшт маҳсулотларини эса юқори озиқ хусусиятига эга бўлган овқатлар сира сига киритган. Бундан ташқари, табиб овқатларни тез ва секин ҳазм бўладиган таомларга бўлади. Ибн Синонинг фикрича, овқат моддалари беморнинг кувватини тиклаб, унинг тезроқ тузалишига ёрдам беради. Дорилар билан даволаш масаласига келганда, у уч қоидага риоя қилиш зарурлигини таъкидлайди. Биринчи қоида – бу дорининг сифатига қараб танлаш, яъни иссиқлик, совуқлик, қуруқлик ҳамда намлик хусусиятидан фойдаланиш. Иккинчи қоида – дорининг миқдорини белгилаб олиш, яъни дозировка қилиш. Учинчи қоида – бу дорини қабул қилиш вақтини тўғри белгилаш. Бундан ташқари, Ибн Сино беморга дори тайинлашда касаллик даражаси, жинси, ёши, куч-қуввати, касби ва аъзоларнинг табиати ҳам ҳисобга олиниши зарурлигини таъкидлайди. Ибн Синонинг фикрича, дори беморга унинг қайси минтақада яшаши ва йил фаслига қараб ҳам турлича таъсир қилади. Шуниси диққатга сазоворки, ибн Сино бемор организмни, унга берилган дорига нисбатан ўрганиб қолиши ва бунинг натижасида унга шу дори таъсир этмай қолиши мумкинлигини кўрсатади. Шу сабабли, у беморга бериладиган дориларни ўзгартириб туриш лозимлигини уқтиради. Ибн Сино наркотик дориларга нисбатан айниқса эҳтиёт бўлишни таъкидлайди. У бемор танасидаги оғриқни йўқотиш зарур бўлиб қолганидагина, ундан фойдаланиш мумкин дейди.

Бу ерда ибн Сино психотерапияга, яъни бемор руҳига таъсир этиш йўли билан даволашга ҳам алоҳида эътибор берган. Масалан, у табибларга мурожаат қилиб ёзади: “Билгинки, бемор руҳини кўтарувчи ва унинг жисмоний кучини мустаҳкамловчи воситалар, яъни хурсандчилик, ўзи ёқтирган киши билан мулоқотда бўлиш, уни шод этувчи кишилар билан доимо бирга бўлиш энг яхши ва таъсирчан даво тадбирларидан биридир”. Шундай даво тадбирлари қаторига ибн Сино иқлим шароитини ўзгартиришни ҳам киритган. Агар бу чора-тадбирлар ёрдам бермаса, беморни қўл ёрдамида, яъни касаллик турига қараб даволашни тавсия этган.

“Қонун”нинг биринчи китоби даволашни нимадан бошлаш керак, деган масalani баён этиш билан якунланади. Бу ерда Ибн Сино аввало касалликнинг асосий сабабини бартавраф қилиш кераклигини уқтиради. Шундан сўнггина беморни даволашга киришилади. Бунда, биринчи галда, касалликнинг энг оғир белгиларини йўқотиш чорасини кўриш керак. “Қонун”нинг биринчи китобини пропедевтика дарслиги деса бўлади. Бу китоб ибн Сино давридаги одам анатомияси, физиологияси, ташҳис ва терапия масалаларини тўла ўз ичига олган.

Иккинчи китоб – оддий дорилар ҳақида. Китобда 811 та турли ўсимлик, минерал модда ва ҳайвонлардан олинган дорилар баён этилган. Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмининг ўзи икки бўлимга бўлинган. Биринчи бўлимда “иссиқлик”, “совуқлик”, “қуруқлик” ва “намлик” сифатига эга бўлган дориларнинг хусусиятлари баён

этилган бўлиб, уларни бир-бирига солиштириб, текшириш кераклиги айтилган ва дори моддаларини излаб топиш ҳамда сақлаш усуллари кўрсатилган.

Иккинчи бўлимда эса дори турлари баён этилган. Хусусан, бу бўлимда суюқ, қуруқ, ёпишқоқ, сингдирувчи, қитикловчи, ёпиштирувчи, тозаловчи, силлиқловчи, очувчи (бўшатувчи), томирларни кенгайтирувчи, бўшаштирувчи, тортувчи, киздирувчи, оғриқ қолдирувчи, кизартирувчи, чиришни камайтирувчи, пишитувчи, етилтирувчи, ранг ўчирувчи, ошловчи, қонни тозаловчи, тер ҳайдовчи, аъзоларни мустаҳкамловчи, ич сурувчи, ич қотирувчи ва шу каби хусусиятга эга бўлган жуда кўп дорилар баён этилган. Бундан ташқари, шу бўлимда айрим касалликларни даволашда ишлатиладиган дорилар кўрсатилган. Масалан, шишлар ва яллиғланган жойларни, жароҳатлар ва яраларни даволашда ишлатиладиган дорилар, бўғим касалликлари, бош мия, кўз, кўкрак қафаси аъзолари, овқат ҳазм қилиш аъзолари, сийдик-таносил аъзолари ва иситма касалликларини даволашда ишлатиладиган дорилар ҳақида сўз юритилган.

Иккинчи китобнинг иккинчи қисмида айрим дориларнинг хусусиятлари тўғрисида фикр юритилади. “Қонун”нинг бу иккинчи китоби ўз даврида фармакология соҳасидаги энг тўлиқ дарслик ҳисобланиб, унда келтирилган дориларнинг кўпчилиги ҳозирги замон тиббиётида ҳам қўлланилади. Китобнинг қиммати ҳам шунда. Чунончи, “Қонун”нинг иккинчи китобида баён этилган 497 доривор ўсимликдан (булар 393 турдан иборат) 165 таси ҳозир ҳам ишлатилади. Шулардан 110 таси эса ҳозирги замон фармакопоеясига киритилган.

“Қонун”нинг учинчи китоби ҳажм жиҳатидан энг каттадир. Бу китоб ўзбек ва рус тилларида икки жилдада нашр этилиб, унда одам организмдаги барча аъзоларнинг касаллиги ва уларни даволаш усуллари баён қилинган. Китоб 22 қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири айрим аъзо ва системалар касаллигига бағишланган. Ҳар бир қисмда аввал бирор аъзонинг тузилиши ва физиологияси баён этилган, шу аъзода учраши мумкин бўлган касалликлар кўрсатилган. Бунда ибн Сино дастлаб шу касалликнинг белгилари ва сабабларини, сўнгра даволаш усуллари кўрсатиб ўтган.

Тўртинчи китоб етти қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири табобатнинг муҳим соҳасига бағишланган. Унинг биринчи қисмида турли иситмали касалликлар, уларнинг сабаблари ва хиллари баён

этилган. Жумладан, чечак ва қизамиқ ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Ибн Сино бу касалликлар юқумли эканини таъкидлаган. Демак, тўртинчи китобнинг биринчи қисми юқумли касалликлар мавзусига тегишлидир.

Иккинчи қисмда кризлар ва уларнинг оқибати баён этилган. Ибн Сино “криз” деган сўзга куйидагича шарҳ беради: “Криз – бу одатда суд ҳукмидир”. Бунда беморнинг ҳолати бирдан ё яхши ёки ёмон томонга ўзгаради.

Китобнинг учинчи қисми – турли яллиғланиш шилшларига бағишланган. Хусусан, бу қисмда чипқон, сарамас, пуфакчалар, лимфа безлари ва бўғимларнинг яллиғланиши баён этилган. Шуниси муҳимки, ибн Сино ўша замон табибларидан биринчи бўлиб ришта касаллигини ташқаридан кирган паразит пайдо қилишини кўрсатиб берган. Ундан олдинги табиблар бу ҳақда нотўғри фикрда бўлганлар. Масалан, машҳур Рим ҳакими Гален (Жолинус) риштани томирлар касаллиги деб ўйлаган эди. Ибн Синонинг риштани паразитар касаллик, деб аниқ кўрсатиб бериши, ўша давр тиббиёти учун жуда катта кашфиёт бўлди.

Тўртинчи қисм – травматология (ҳар хил шикастланишлар)га бағишланган бўлиб, бу қисмга турли жароҳатлар, яъни лат ейиш, қон оқиши, куйиш каби зарарланишлар киради. Бундан ташқари, яра-чақалар ва уларни даволаш усуллари кўрсатилган. Жароҳатларни ибн Сино бир неча турга бўлади. Бу жароҳатлар ёпиқ ва очик бўлиши мумкин.

Бешинчи қисм – чиқиш-синишларга бағишланган. Бу ерда барча бўғимларда учрайдиган чиқиш ва уларни даволаш (солиш) усуллари батафсил кўрсатиб берган. Синган суякни даволаш масаласида ҳам кўпгина тўғри усуллар тавсия этилган. Синиш очик ва ёпиқ бўлишини кўрсатган. Ибн Сино даврида синган оёқ ёки қўлни тортиб туриб тахтақачлаш усули қўлланилган. Бунинг учун махсус мосламалардан фойдаланилган.

Китобнинг олтинчи қисми – токсикология масалаларига, яъни заҳарланиш ва унга қарши даво чораларига бағишланган. Бу қисмда муаллиф минерал моддалар, ўсимликлар ва ҳайвонлардан заҳарланиш тўғрисида фикр юритган.

Тўртинчи китобнинг еттинчи, сўнгги қисми косметикага бағишланган. Хусусан, тери, тирноқлар ва сочни косметик жиҳатдан яхши сақлаш, уларга чирой бериш масалалари ёритилган. Ибн Сино бу ерда татуировкани ҳам эслатиб ўтади ва уни йўқотиш усулини баён этади. Бу қисмда яна тери касалликлари ҳақида ҳам маълумот берган.

Бешинчи китоб – ўша давр учун энг мукаммал фармакопоея қўлланилмаси бўлган. Бу китобда турли мураккаб дориларни тузиш, тайёрлаш ва ишлатиш усуллари баён этилган. Китоб икки бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда дори хиллари, уларни тайёрлаш, сақлаш ва ишлатиш усуллари, иккинчи бобда эса ҳар бир дорини қандай касалликда қўллаш усули кўрсатилган.

Буюк табиб Абу Али ибн Синонинг энциклопедик “Тиб қонунлари” асари шу бешинчи китоб билан ниҳоясига етади. Китобга энг юксак баҳони машҳур олим ва табиб Низомий Арузий Самарқандий берган. У бундай деб ёзган эди: “Агар Гиппократ ва Жолинус тирилиб келиб Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”ни кўрсалар эди, улар бу китоб олдида бош эгган бўлур эдилар”.

**Абдукарим
УСМОНХҲАЕВ,
тиббиёт фанлари
номзоди, доцент.**

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ОРЗУЛАР

Хонадонга киришим билан мени қош-кўзлари попуқдек, истараси иссиқ 19-20 ёшлардаги қиз кутиб олди.

– Келинг, опажон!

Ораста даҳлиздан ичкарига қадам қўйдим. Бир хонада беш-олти нафар ёш қизлар турли хил буюмлар ясаб ўтиришган экан. Улар билан саломлашгач, Дилдора мени бошқа хонага бошлади.

– Маҳалламиз қизларига дарс ўтаётгандим...

– Жуда яхши, айна устига келибман. Улар билан ҳам суҳбатлашамиз.

Суҳбат давомида, 2-гурӯх ногирони бўлсада, бир неча хунарнинг бошини тутган, тиниб-тинчимас ёш қизнинг шижоатини кўрдим.

Ҳа, Дилдора оиладаги тўртинчи фарзанд бўлиб, у ногирон туғилди. Доялар бу хабарни айтишганда, ота-онанинг дарду дунёси қоронғу бўлди. Аммо инсон барчасига кўникаркан. Жажжи Дилдоранинг чап қўли тирсагидан пасти йўқ эди.

Шуҳрат ака ва Дилфузахон беш нафар фарзандни ардоқлаб вояга етказишди. Айниқса, Дилдорага “кўнгли ўқсимасин” дея жону жаҳонларини бахшида этишди. Аҳил оилада вояга етган фарзандлар ота-оналаридек касб-хунар эгаллашга қизиқди. Чунки оталари Шуҳрат Қаюмов новвойлик касбини ардоқлаб келган бўлса, Дилфуза Қаюмова олий маълумотли технолог сифатида уйим-жойим, болам-чақам деган аёл эди. Шу боис тўнғич фарзанд – Озода тикувчи-дизайнерликка қизиқса, Фаруҳ сартарошлик касбига меҳр қўйди.

Қарабсизки, кичкина Дилдора опасига эргашиб тўқишни, тикиш-бичишни, турли хил буюмлар ясашни ўрганиб ва яхшигина хунарлар эгасига айланди.

Ёш бўлишига қарамай ўқув муассасасида ҳам изланувчан, аълочилиги билан хурмат қозонган Дилдора Қаюмова Юнусобод туманидаги Радиотехника колледжида “Камолот” ЁИХ кенгашининг фаол аъзоси сифатида устозлари – Закира Нағматжоновна, Фарида Йўлдошевларнинг қўллаб-қувватлаши, беминнат ёрдами туфайли ўз билим ва амалиётларини бойитди. Иқтидорли ўқувчилар қаторида тадбиркорлик, хунармандлик йўналишларида бир қўлида яратган, тиккан ва тўқиган буюмлари билан кўргазма ва тадбир, кўрик-танловларда иштирок этди.

Меҳнат қилган асло кам бўлмайди. Дилдоранинг изланишлари, сабр-тоқат, машаққатли меҳнатлари зое кетмади. У “Келажак овози” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида фахрли 3-ўринни ва бир қанча танловларда эса совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Ҳали 20 баҳорни ҳам қаршиламаган Дилдора шаҳар ва туман ҳокимияти ва бошқа ташкилотлар томонидан фахрий ёрлик, ташаккурномалар билан тақдирланди.

Тиришқоқ ва изланувчан, қўли гул хунарманд қиз коллежни тугатгач, ўз орзу ва мақсадларини руёбга чиқариш мақсадида “Баркамол авлод” болалар маркази-

да ўз хунарларини ёшларга ўргатишга киришди.

Айни пайтда Дилдора Қаюмова фаолият юритаётган тўғарақ ёшларга тўқишни, бисер қадашни, тикишни, турли буюмлару қутичалар ясашни ўргатмоқда. У тўғарақда хунар ўрганаётган 12 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ва икки нафар ногиронга бепул хизмат кўрсатиш билан бирга яна 20 нафардан ортиқ ўз ихтиёри билан хунар ўрганишга келган ёш қизларга билим бериб келмоқда. Бундан ташқари, унинг Юнусобод туманидаги 258-умутаълим мактабида ҳам хунар ўргатиш тўғараги фаолият кўрсатмоқда.

– Қизимнинг кўнгли ўқсимасин, дея унга барча шароит ва имкониятларни яратиб бердик, – дейди унинг онаси Дилфуза опа, – Дилдора ёшлиқдан иқтидорли, тиришқоқ эди. Пазандаликда ҳам у опа-сингилларидан ўзади. Бир қўлда лағмон чўзишни, шилпилдоқ қилишни, хамир ёйишни, барчасини эплайди, ширинликлар пиширишни ҳам қотиради. Маҳалламиз фаоллари ҳам унга кўмакдош. Айниқса, маънавият ишлари бўйича маҳалла раиси ўринбосари Саида Маматқулова, маҳалла фаоллари уни доим “Тадбиркор аёл”, “Ёш хунарманд” каби кўрик-танловларда иштирок этишида қўллаб-қувватлаб, кўргазма ва тадбирларга таклиф этадилар.

Шуниси қувонарлики, яқинда қизимни туман ҳокими йўқлаб келди ва ҳар қандай ёрдам керак бўлса, беришини билдирди. Ана шунинг ўзи бизга ва қизимга берилаётган ёрдам ва ҳукуматимизнинг гамхўрлиги, эътиборидан даракдир.



Ҳа, Дилдора камтарликни яхши кўради. У ўзи тенгиларгами, катталаргами асло ёрдамини, хунарини ўргатишдан эринмайди. Аҳил оила аъзоларининг кўмакдошлиги, меҳрибон ва аҳиллиги маҳалла аҳлининг эътиборида. Бундай меҳр кўрсатишлар Дилдорага куч-қувват ва ғайрат бағишлайди.

– Менинг биринчи устозим – Озода опам бўлса, ижод қилиш ва ишга шижоат билан ёндошишимда бувижоним – Муҳаббат ая, онажоним, отам, ўқитувчи-устозларимнинг меҳнати беқиёс. Мени ҳеч қачон ўқситмай барча имкониятларни яратиб берган оила аъзоларимдан, маҳалла фаоллари ва аҳлидан миннатдорман, – дейди бир қўлида чаққонлик билан кийим тўқиётган Дилдора.

Хунарманд қиз сурат ва расм чизишни ҳам эплайди. Айниқса, у бўш вақтларида таниқли шоирларнинг шеърятини мутолаа қилишни жуда ёқтиради.

Дилдоранинг келажакдаги орзулари мўл. Унинг мақсади, эгаллаган хунарларини янада бойитиш ва маҳалла қошида ёшларга касб-хунар ўргатадиган ўқув маркази очишдир. Бунинг учун у ҳали бироз вақт борлигини айтиди. Яқинда микрокредит банкидан уни йўқлашиб, кредит олишни таклиф этишди. Дилдора буни бироз кейинга қолдирди. Унинг бизнес режаси тайёр бўлсада, яна бироз кўшимчалар киритиш истагида.

Олтин олма, дуо ол, деганларидек, меҳрибон бувиси ва ота-она дуосини олиб, эл-юрт меҳридан баҳраманд бўлиб шогирдлар етиштираётган ёш қалбда ҳали орзулар лиммолим. Ана шу орзулар қатида эса она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат, фарзандлик бурчи тугён уриб тургани шубҳасиз...

Марям АХМЕДОВА.

Илмий-амалий анжуман

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ЕЧИМИДА
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Жорий йилнинг 27 ноябрь куни пойтахтимизда колопроктологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика колопроктология илмий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда мамлакатимиз олимлари билан бир қаторда МДХ давлатларининг етук мутахассислари, колопроктологлар уюшмаси аъзолари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худаяров тиббиёт соҳасида колопроктологиянинг долзарб муаммолари, инсонлар саломатлигини сақлаш йўлида татбиқ этилаётган даволашнинг замонавий усуллари, илм-фанга янги ёндашувлар сьезд ишининг бош мақсадига айланишини таъкидлаб ўтди.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда йўғон ичак яллиғланиши касалликларини эрта аниқлаш ва самарали даволаш борасида Республика колопроктология ва онкология илмий марказларида етарли тажриба тўпланиб, соҳада қўллаб янгиликлар жорий этилмоқда.



Иккинчи маротаба ўтказилаётган ушбу анжуманда мутахассислар йўғон ичакнинг яллиғланиш касалликлари ва унинг дивертикули, ярали колитлар, онкопроктология ҳамда касалликни ташхислаш ва даволашда қўлланиладиган замонавий технология-



лар хусусида маърузалар қилиб, ўзаро фикр алмашдилар. Тадбирнинг асосий қисми муайян мавзуларга қаратилган секцияларда давом эттирилди. Ўртага ташланган муаммолар долзарб ва ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги боис, хорижлик ва маҳаллий мутахассислар масалага янги ёндашиб, амалдаги иш тажрибаларидан самарали фойда-

ландилар.

Тадбир доирасида мутахассислар учун мазкур касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича фармацевтик ҳамда янги тиббий технологиялар, ўқув қўлланмалари кўргазмаси ташкил этилди.

Намоз ТОЛИПОВ.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2014 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Обуна — 2014

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тибби-

ёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Sevimли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

Матбуот анжумани

ОИТСга ҚАРШИ КУРАШ САМАРАДОРЛИГИ ОШАДИ

1 декабрь – ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан матбуот анжумани ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида юртимизда соғлиқни сақлашнинг миллий модели вужудга келди. Бу ўз навбатида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошишига ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари ҳамда турмуши яхшиланишига имкон бермоқда. Шу маънода, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга доир чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши туфайли аҳоли саломатлигини сақлашнинг мустақам норматив-ҳуқуқий асоси шаклланди, тиббий хизмат кўрсатишнинг яхлит ташкилий тузилмаси яратилди. Шунингдек, аҳолини турли юқумли касалликлардан ишончли ҳимоя қилиш, улар ижтимоий хасталикларга чалинмасликлари учун амалий чора-дастурларни қўллаш бугунги кунга келиб янада кучайтирилди. Бунинг амалий ифодасини жорий йилда қабул қилинган “Одам иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига

қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фаолиятларнинг узлуксиз давом этишини кўрсатади.

Албатта, ижтимоий касалликлар қаторида ОИВ/ОИТС хаста-

рарлаши, касалликка чалинганларни ижтимоий ҳимоя қилиш мажбурияти ва унга кетадиган сарф-харажатларнинг катталиги, шунингдек мамлакатнинг демографик ҳолатига таъсир қилиш орқали иқтисодий тараққиётга хавф туғдиради, миллий тараққиёт ва барқарорликка ҳам салбий таъсир кўрсатади.



лиги тобора авж олиб бораётган глобал муаммолардан бири ҳисобланади. ОИТС аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмини за-

йиғилишда сўзга чиққан мутахассисларнинг фикрича, ушбу касалликнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда ҳам бир



қатор тизимли ишлар олиб борилмоқда, соҳага оид барча муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масаласи ҳам босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. Айниқса, ОИТСга қарши кураш марказларининг моддий-техник базаси йилдан-йилга мус-

таҳкамланиб, мазкур йўналишда янги диагностика ва даволаш услублари татбиқ этилаётганлиги, шунингдек, қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар бажарилаётганлиги эътиборга молик.

Тадбир сўнггида республика миқёсида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига урғу берилиб, хасталикка қарши курашиш бўйича амалий чора-тадбирларни янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Ўз мухбиримиз.
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Актуальная тема

ВОЗМОЖНОСТИ УЛУЧШЕНИЯ НАРУШЕНИЙ СЛУХА

По данным Всемирной организации здравоохранения, сегодня в мире насчитывается более 50 млн. человек с различной степенью потери слуха. Причем в последние годы распространенность глухоты и тугоухости возрастает, особенно в промышленно развитых странах.

Причины, приводящие к глухоте и тугоухости, самые разные. Основные из них – инфекционные заболевания (корь, скарлатина, паротит, менингит, грипп), гнойные воспаления уха, антибиотики, применяемые без назначения врача. Отрицательно влияют на слух производственный шум и вибрация, повышенный шумовой фон окружающей среды – “шумовая агрессия”, особенно в крупных городах. Например, в Токио, население которого вместе с пригородами составляет около 30 млн. человек, днем уровень шума превышает допустимый в несколько раз.

Названные причины существенно изменили структуру заболеваемости органа слуха, что сказалось на эффективности и тактике лечения.

Так, людям с заболеванием среднего уха современные хирургические и медикаментозные методы позволяют в большинстве случаев улучшить слух и даже восстановить его полностью. Кстати, если бы жил в наше время гениальный композитор Людвиг ван Бетховен, рано потерявший слух из-за отосклероза, то сегодня с помощью новейших методов лечения он бы слышал.

Практика показывает: современный слуховой аппарат позволяет улучшить слух у 60-70% слабослышащих и нередко у практически глухих людей. К сожалению, еще бытует отрицательное отношение к слуховому аппарату, хотя никто не считает зазорным пользоваться очками и тем са-

мым компенсировать нарушенное зрение.

Разные дефекты слуха требуют применения различных типов слуховых аппаратов, имеющих такие акустические характеристики, которые наиболее полно соответствуют индивидуальным особенностям слуха пациентов, в противном случае усиливаемые аппаратом звуки не будут отвечать состоянию остаточного слуха. Подобно тому, как очки слабовидящим назначаются с разными диоптриями, так и индивидуально подбираются слуховые аппараты. Сегодня производится более 50 различных типов слуховых аппаратов, предназначенных для восстановления малой, средней и тяжелой потери слуха. Слуховое протезирование осуществляется в специальных сурдологических кабинетах. По решению правительства такие кабинеты организованы во всех областных центрах и в ряде крупных промышленных городов.

Подбор слухового аппарата – кропотливый процесс, он требует внимания и активного участия пациента, обычно длится не менее 2-3 дней и включает несколько этапов: осмотр больного врачом-отоларингологом и невропатологом (при необходимости – консультации других специалистов), исследование слуховой функции, подбор типа аппарата, проведение занятий у сурдопедагога по тренировке восприятия звуков в новых акустических условиях и развитию остаточного слуха. После назначения аппарата пациенту необходимо не реже одного раза в год проверять слух и режим ра-

боты аппарата.

Замечено, что при постоянном ношении правильно подобранного слухового аппарата слух улучшается. Тогда нужна замена типа аппарата либо установление иного режима его работы. Нередко в процессе эксплуатации слухового аппарата его акустические характеристики меняются. Это тоже требует его проверки, настройки или замены. Слуховой аппарат не вреден, как некоторые считают, поэтому еще раз подчеркнем: постоянное пользование аппаратом систематически тренирует слуховой нерв и тем самым способствует развитию остаточного слуха. Исследования структур слухового нерва у глухих людей, никогда не применявших звукоусиливающую аппаратуру, показали, что нерв у них был почти атрофирован, иными словами – “мертвый” от бездействия. Поэтому даже практически глухим людям, имеющим лишь ограниченные островки слуха, рекомендуется ношение соответствующего типа слухового аппарата для тренировки и развития остаточной слуховой способности. В практике есть случаи улучшения слуховой способности к различению речевых сигналов у практически глухих людей после 1,5-2-летнего пользования слуховым аппаратом с одновременными занятиями у сурдопедагога.

Напротив, слабослышащий, но не пользующийся слуховым аппаратом и вынужденный постоянно напрягать слух, со временем становится и вовсе глухим. Успехи микрохирургии, биофизики, электроники, акустики создали предпосылки для проведения исследований по изучению возможностей восстановления слуха у глухих людей. Разработки в этом



плане проводятся по двум направлениям.

Первое – связано с изысканиями средств и методов электростимуляции слуховой системы путем введения электродов в полость внутреннего уха, способных передавать звуковые сигналы через слуховой нерв. Второе заключается в дальнейшем совершенствовании и разработке новых методов передачи звуковой информации на основе использования механизмов взаимодействия анализаторных систем – зрительной, тактильной (ощущение) и слуховой.

Особую популярность во многих странах получила идея восстановления слуха у глухих посредством вживления тончайших электродов в ухо, где располо-

жены чувствительные слуховые клетки, дающие начало слуховому нерву. Этот метод назван кохлеарной имплантацией. Клинические наблюдения показали, что кохлеарная имплантация в ряде случаев позволяет испытываемому получить ощущение звука, проявляющегося чаще всего в форме шума. Некоторые пациенты могли различать голоса людей, сигналы транспорта, стук в дверь, звонок телефона. А многие больные показывали лучшие результаты при считывании речи по губам и при опознавании окружающих шумов, со временем у них появилась возможность различать знакомые голоса.

Дальнейшее совершенствование традиционных средств и методов слухового протезирования, разработка более эффективных методов непрямой и внутриушной электростимуляции слуха, изучение возможностей передачи звука с помощью других органов чувств – актуальные задачи сурдологии, имеющей большое медико-социальное значение в борьбе с глухотой.

А. ТОХИРИЙ,
старший преподаватель ТашиУВ.

Спорт

КОМАНДА БОРЗОВА И ЕЁ УСПЕХИ

Вот уже несколько лет Ассоциация традиционного ушу Республики Узбекистан возглавляет Владимир Борзов, обладатель 6 дуэней.

Его спортсмены постоянно привозят медали разных достоинств с чемпионатов мира и международных турниров.



Первую серебряную медаль в 2001 году привезла Лиля Качурина с чемпионата мира, проходившего в Ереване. В 2010 году в китайском городе Шиян на чемпионате мира Артём Минаков завоевывает серебряную медаль, а в 2012 году на международном турнире по традиционному ушу узбекская команда завоевывает первое место. В составе этой команды и сам Владимир Борзов, тоже участвовавший в нём. 9 золотых, 2 серебряных и 1 бронзовую медали привезли они в Ташкент. Надо отметить, что он сам, Анна Сулейманова, Артём Минаков, Шерзод Сиддык-Ходжаев и Максим Ильясов никогда без медалей не приезжают. Это заложено в их девизе "Рабо-

тать, думать и отдаваться полностью тренировке". Поэтому у ребят такие успехи. Да и Владимир Борзов тоже старается не терять марку. В 2012 году в Ташкенте на проходившем Международном турнире по боевым искусствам среди ветеранов Борзов получил золотую медаль и стал абсолютным чемпионом, его ученица Наталья Ким тоже завоевала золото.

Ещё учась в медицинском училище им. Ахунбабаева, а затем в Ташкентском медицинском институте на врача-травматолога, Владимир Борзов не забывал спорт. За плечами – тренировки в секциях вольной борьбы, самбо, каратэ у Вальмира Лигая помогли ему в армии, пришлось сделать 42 прыжка с парашютом. Всё это пригодилось для работы

в области травматологии. Ведь в спорте без травм не бывает, а их надо лечить, ставить человека на ноги, чем он и занимался, работая в медицинском центре ЦС "Динамо" в Ташкенте и в Республиканском учебно-культурном диспансере в Ташкенте. У Ассоциации есть свой сайт в Интернете, по которому многие могут узнать о её деятельности, общаться и получать организационную помощь даже в областях. Кстати, её филиалы имеются в Каракалпакии, Гулистане, Самарканде, Джизаке, Хорезме. Помимо этого в самой Ассоциации проводятся семинары, тренировки снимаются на видео и потом ошибки анализируются, делаются выводы. Без психофизического тренинга тоже не обходится, потому что сам вид та-

кого боевого искусства рассчитан на определённую личность и от этого зависят его жизнь, здоровье, успех. В данный момент в планах Ассоциации традиционного китайского ушу – подготов-

ка к Международному фестивалю, который должен состояться в 2014 году в китайском городе Сычуань, и участие в нём.

А. ПОПОВ.
Фото автора.

АХОЛИ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида БМТ Аҳолишунослик жамғармаси – ЮНФПА томонидан жаҳон мамлакатларида аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш, вояга етмаганларга никоҳ ўқитиш ҳолатларига барҳам бериш борасида олиб борилаётган ишларнинг йиллик ҳисобот-тақдимоти бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Нируфар Тожибова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оила, оналик ва болалик манфатларини ҳимоялаш масалаларига устувор эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастурий амал бўлиб хизмат қилаётди.

Анжуманда мамлакатимизда қизларни эрта турмушга узатиш, вояга етмасдан никоҳ ўқитиш ҳолатларига барҳам бериш борасида барча давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, диний идоралар ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, барча коллежларда ота-оналар ва ўқувчилар иштирокида "Эрта турмушга чиқишнинг салбий оқибатлари", "Сиз турмуш қуришга тайёрмисиз?", "Эрта ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари" каби мавзуларда семинарлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказилаётди. Мактаб ва коллежлар қошида қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-маиший, иқтисодий, соғлом турмуш тарзи асосларига доир билиминини бойитиш, касб-хунарга йўналтириш мақсадида ташкил этилган тўғарақлар ишлаб турибди. Уларда тиббиёт, психология, тадбиркорлик каби соҳалар мутахассисларининг жамоатчилик асосида олиб бораётган машғулоти ўқувчи қизларнинг мазкур тўғарақларга бўлган қизиқишини кучайтирмоқда.

Матбуот анжуманида мамлакатимизда оилаларни, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, эрта турмушга чиқиш ҳолатларига барҳам бериш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олишда замонавий тиббиёт ютуқларидан самарали фойдаланиш масалаларида журналистларга батафсил маълумот берилди.

Ўз мухбиримиз.

Это интересно

ТАКОЙ ПОЛЕЗНЫЙ УКРОП

Сейчас, наверное, просто нет такого человека, который ни разу за свою жизнь не сталкивался бы с укропом. Это растение используется в качестве приправы в различных блюдах, также его применяют в рассолах при консервации. Кроме того укроп издавна является лекарственным средством. В древнем Египте его применяли как препарат для избавления от головной боли, Авиценна лечил им икоту, а также использовал для стимуляции лактации.

Укроп помогал от переполненности желудка, из отвара этого растения делали клизмы, а также наносили его на гемороидальные узлы, избавляясь от кровотечений и боли. Его используют при повышенном газообразовании даже у маленьких детей в первые месяцы их жизни. Для устранения неприятных ощущений в животе у крохи нужно всего лишь под рукой иметь укропную воду, которую можно приобрести в аптеке. Эта жидкость состоит из воды и укропного масла, она заметно улучшает пищеварение, кроме того, её используют как отхаркивающее и антибактерицидное средство. Укропную воду дают крохе в количестве 1 ст.л. 3-6 раз в день. Гайморит – это весьма неприятное заболевание, которое известно многим. При нём не дышит нос и его нужно постоянно промывать. От заболевания очень сложно избавиться, и большая часть стандартных методов лечения неэффективна. Если вам ничего не помогает, попробуйте воспользоваться замечательным рецептом для лечения гайморита с помощью укропных семян.



Для этого вам потребуется пол-литра спирта на стакан семян укропа. Поставьте ёмкость со смесью в тёмное место и настаивайте в течение 3-х недель. Принимать такое средство нужно по 1 ст.ложке во время еды. Наибольшей эффективности можно достичь при трёхкратном приёме в сутки. Длительность лечения – до окончания этой порции лекарства. Через два месяца можно повторить курс такой терапии. Особо запущенные случаи проходят после потребления четырёх порций настоя. При мочеиспускании диатезе семена укропа огородного необходимо залить холодной кипячённой водой, соблюдая соотношение 1:20, и оставить на ночь для настаивания. Принимать такое лекарство нужно по половине стакана до трёх раз в день.

Это средство поможет при не-

фрите, но будьте внимательны – оно понижает артериальное давление. При навязчивой икоте, которая не проходит длительное время, залейте чайную ложку укропных семян одним стаканом воды и настаивайте в течение получаса. Принимать такое средство нужно по половине стакана 3 раза в день. Для лечения атеросклероза, который сопровождается головными болями, залейте столовую ложку семян укропа стаканом кипящей воды.

Настаивайте в течение одного часа, после процедите и принимайте по две столовые ложки четыре раза в день. Семена укропа помогают даже изгнать глистов. Для этого столовую ложку семян укропа нужно проварить в стакане воды в течение 30 минут, немного остудить и выпить тёплым в два приёма. Регулярное потребление укропа, а также отваров и настоев из семян этого растения позволяет расширить сосуды и снизить артериальное давление. Поэтому все эти средства противопоказаны при гипотонии, т.е. пониженном давлении. Также их не следует принимать при различных недугах мочевого пузыря. В некоторых случаях частое использование укропа может привести к падению зрения, но после прекращения употребления эта функция полностью восстанавливается.

Подготовила
Малохат НАЗАРОВА.

Агар сизда саволлар, фикр-мулоҳаза ва таклифлар бўлса, қуйидаги телефон рақами ва электрон манзилларига мурожаат

қилишингиз мумкин:
(8-371) 233-13-22, info@uzssgzt.uz,
info@minzdrav.uz

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5721 нусха.
Буюртма Г-1145.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.